



Муштарий хабар беради...

МАРОҚЛИ АНЖУМАН

Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида академик М. Т. Урозбоев таваллудининг 90 йиллигига бағишланган «Бозор иқтисоди шароитида гоълардан амалиётга» мавзуда талабаларнинг илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманнинг умумий мажлисида талабалар «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқалари ва жаҳон иқтисодий билим интеграция истикболлари», «Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи: мақсад ва вазифалар», «Академик М. Т. Урозбоевнинг илмий-педагогик фаолияти», «Хом ашъдан комплекс фойдаланишнинг иқтисодий муаммолари» ва бошқа қатор маърузаларни ўзбек, рус, инглиз, немис, француз тилларида қилдилар.

Булардан ташқари талабалар анжуманнинг машинасозлик, электроника, автоматика ва ҳисоблаш техникаси, энергетика, геология, тоғ иши, нефть ва газ саноати, фундаментал умум муҳандислик фанлари, ижтимоий-гуманитар фанлар каби 6 та шўбада фан ва техниканинг долзарб масалаларига бағишлаб профессор-ўқитувчиларнинг илмий раҳбарлигида тайёрланган маърузаларни билан қилдилар.

Илмий аҳамиятга эга бўлган маърузалар соҳиблари пул мукофотлари ва фахрий ёриқлар билан тақдирланди.

Маъқул топилган маърузаларни анъанAGA мувофиқ тўплам ҳолида чоп этишга қарор қилинди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

...муносабат билдиради

«БЕШЁҒОЧ» НИМА ДЕГАНИ?

Шахримиздаги жой номларининг пайдо бўлиши узоқ тарихга эга. Уларни урганиш ҳар бир муҳоримнинг бурчидир. Лекин жой номлари тарихини талқин этишда турлича қарашлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Ҳадра номи оилалик. Фикримча утмишда Ҳадра шаҳар маркази бўлиб, шу жойдан бошқа худудларга йўналувчи шойхулар туташган майдон бўлган. Бошқача қилиб айтганда йул ҳади, яъни йул боши шу ердан бошланган. Аслида «хадирох» («роҳ» форсийда йул дегани) деб аталиб, озгача мулоқотда «и» ва «х» ҳарфлари чала айтилиши сабабли «Ҳадра» бўлиб қолган.

«Бешёғоч» атамасининг келиб чиқиши ҳам қизиқарли. Бу худуд орқали утмишда Тошкентдан Қўқон, Тўйтапа, Пискент, Хўждан тарафга чиқиб кетилган. Йўлнинг бошланishi юқорида айтилгандек «Ҳадра». Қадимда йул улчови бирлигида «Йиғоч» сузи қўланган. Бир йиғоч тахминан 800 метр эканини ҳисобга олсак, Ҳадра билан Бешёғоч оралиги турт километрни, яъни беш йиғочни ташкил қилади. Бошқача қилиб айтганда шаҳардан беш йиғоч оралиқда истиқомат қилувчи аҳоли турар жойидир. Балки утмишда у жой олис йўлга отланган кишиларнинг тайёргарлик қуриб оладиган ва, аксинча, келувчиларнинг шаҳарга киришдан аввал қуниб утадиган қўноқ маркази бўлгандир. Кейинчалик эса бу атама қисман узгариб «Бешёғоч» деб атала бошлаган.

Комилжон АҲМЕДОВ.

...илҳомланади

ДУНЁ

Ажаб, чечакдан бошда қулола қилибсан, Юзинг уятдан эй сарвиноз, лола қилибсан. Хўшнинг камоли етилган сари маҳбубам, Қалбимни жонга тўла пиёла қилибсан. Ҳаёт гулшани, хурлар ўлкасидир шул дийр, Нечук мадҳини бўлбулга ҳавола қилибсан! Дерман баҳорга, согинчиг шунча кўлму, Ох чекиб ёниб дилинг қола қилибсан. Ҳаёт абадий, барҳаётсан яхши ишингдан, Ҳақ йўлида жисми жонинг вола қилибсан. Эсанг тугамас Сахий дунёнинг ишларин, Шарҳин тиласанг юз минг рисола қилибсан.

Саъдулла ХУЖАЕВ.

...таклиф этади

ҚОҒОЗДА ҚОПМАСИН

Шахримиз киефаси кун сайин чирой очиб бормоқда. Йўловчилар узогини ақин қиладиган автобус транспорт турларининг янгилашиб, қўпайиб бориши, хусусан «Мерседес-Бенц»ларнинг йўлларда шитоб билан ҳаракат қилиши йўловчиларни қўвонтирмақда. Лекин шундай бўлсада хали ҳам уларни ранжиттавган йўналиш ва ҳайдовчилар йўқ эмас.

Масалан, шахримизнинг Ҳамза туманида жойлашган Янгиобод даҳасини «Олой» бозори билан боғловчи йўналишларда қатновчи автобуслар қатнови анча издан чиқиб қолган. Бу эса йўловчиларнинг ҳақли эътирозига сабабини бўлаётган. Бир пайтлар Янгиобод орқали 48-автобус йўналишини ташкил қилишга бел боғлаган депутатларимиз ҳам бу ишнинг уйдасидан чиқа олмайлар.

Ваъда билан иш битмаслигини мана ҳаётнинг узи қурсади. Янгиобод даҳасини шаҳар билан боғлаш долзарб масалага айланди. Яқинда бир гуруҳ маҳалладошларнинг «Тошшаҳарйўловчигранс» уюшмаси мутасаддилари билан бўлган учрашувида яна бу масала кутарилди. Бироқ 48-йўналиш бўйлаб қатновчан автобусларнинг Янгиобод орқали йўналтириш режаси қоғозда қўлиб кетмаётгани йўловчиларни ранжитмоқда. Мутасаддилар ушбу таклифимизни ҳам ижобий ҳал қилдилар, деган умиддамиз.

Незматжон ҲАСАНОВ.

Нодирабегим маҳалласи оқсоқоли.

...танқид қилади

КУЧАМИЗГА СУВ КЕПАРМИКАН?

Биз Бектемир туманидаги «Маърифат» маҳалласида истиқомат қиламиз. «Тошкент оқшоми» тахририятига мурожаат қилишимиздан мақсад бил масалада ёрдам сўраш. Маҳалламиз аҳолиси яшаб турган Билал Нозим ҳамда Соловьев кучаларини сув билан таъминлаш ёмон аҳволда экани аҳоли эътирозига сабаб бўлмоқда. Ваҳоланки, ушбу кучаларда туртта болалар боғчаси, битта мактаб мавжуд. Турар-жойларда юздан ортиқ оилалар айнакча эз пайтида сувсиз қолишад.

Аслида сувнинг босими пастлиги туфайли қўп қаватли уйлarning фақат биринчи қааватида яшовчиларга сув етади. Юқори қаватларга эса сув гоҳ чиқади, гоҳ чиқмайди.

Фикримизда ушбу муаммони ҳал этиш учун аввало шу ердаги корхонадан сув келадиган қувурни таъмирлаш, жумладан сув ҳайдовчи мосламаларни алмаштириш керак экан Билал Нозим ва Соловьев кучаларининг сув таъминотини шаҳар «Сувсоз» трестининг туман бўлими иxtирига утказиш лозим. Худудимиздаги сув узатуви минора иншооти авваллари темир-бетон ускуналари корхонаси, Корея-Ўзбекистон қўшма корхонаси ҳамда Билал Нозим кўчасидаги етти та икки қаватли уйни қувур орқали сув билан таъминларди. Аммо сунги пайтларда ана шу қувур ҳам негидир бекитиб қўйилди. Балки уш минорадан Билал Нозим кўчасига сув етказишни қайта ташкил этиш керакдир. Ушбу муаммони қандай ҳал қилишни мутасадди ташкилотлар узлари яхши билишад, албатта. Биз учун эса маҳалламизга ичимлик суви бир меъёрга келиб турса бас.

Дилфуза АЗИМОВА, Исмоил ИБРОҲИМОВ, Салоҳ ТУРСУНМАТОВ, «Маърифат» маҳалласи фаоллари.

Мардлик —

мангулик

УНУТИЛМАС ЖАСОРАТ



Саргайган ҳужжатлар ҳамда эски суратлар томошаси бизни доимо ҳавлан уларда акс этган даврлар ва йиллар сари етаклайди. Ушбу машғулот барчамизда уша суронли йиллар ҳақидаги тасавурларни уйғотибгина қолмай, жасоратли, илмли, ватанпарвар болаларга муносиб авлод бўлишимизга ҳам даъват этади.

Ҳамшахримиз Маждид Ганиев урушдан аввал қилшқоқ ҳужалик техникумини тугатиб, тинч меҳнат — зироатчилик билан шуғулланарди. Аммо машуум уруш унинг яратувчилик фаолиятини бутунлай бошқа соҳа — ҳарбийлик билан алмаштиришга мажбур этди. Маждид Ганиев биринчилардан бўлиб, кун-

гиллилар сафида фронтга отланди ва ҳарбий қисмларнинг бирида сивсий бўлим буйича командир уринбосари этиб тайинланди. Сталинград учун бўлган буюқ муҳоробада узи хизмат қилаётган 2-артиллерия дивизиони жангчилари қатори ҳамшахримиз Маждид Ганиев ҳам қаҳрамонлик курсатиб, аскарларга урناк бўлди. Ўзбекистонлик сивсий хизматчи жанглар оралигидаги қисқа вақтларда узу сўхбатлари билан аскарларнинг кунглини кутарар, айниқса, унинг жаннатмақон Ўзбекистонимиз ҳақидаги ҳикоялари барчани бирдек махлув этар, душманга қарши интиқом утини кучайтирар эди.

Бехзод ЭГАМОВ.

Нина Петровна Ладина Ҳамза туманидаги қўпқаватли, турли миллат вакиллари истиқомат қилувчи уйлardan бирда яшайди. Бағри кенг, очикчўнгил, ташкилотчи аёлнинг ширинсузи, меҳрли нигоҳлари бизни дарҳол ўзинга ром этди-қўйди. Ўзбекка сумалак пиширишнинг йўл-йўригини ўргатиш бироқ эриш туолиши табиий. Лекин рус миллатига мансуб аёлнинг пиширган сумалаги, бу шўб қандай қўл урганлиги эса барча учун қизиқ бўлса керак. Келинг, яхшиши Нина Петровнанинг ўзи бу ҳақда хикоя қилиб бера қолсин.

— Ҳар йили маҳаллаларда сумалак пиширишларини қуриб ҳавасим келиб юрарди, — дейди Нина Петровна. — Шу йили мен ҳам сумалак қилишга бел боғладим. Аввал уимиз орқасига турли мевали дарахтар экиб,

дам олиш жойи барпо этган эдик. Мана ҳозир бу ер бирим файзли, қуркам бўлганки, асти қуяверасиз. Тургиси, маҳаллаларга ҳавасим келарди. Бир парча ховли бор, ул-бул экиб, киши узини овутуши, вақтини чоғ утказиши мумкин.

Қадриятларимиз

НИНА ОПАНИНГ СУМАЛАГИ

Ҳар кунни кўни-қушни билан дийдорлашиш имконияти ҳам бор. Қўпқаватли уйдагилар ҳам шундай яшай олади. Бунинг учун бироқ ташаббус ва изланиш бўлса бас. Мана бугун боғчамиз кўншлар билан гажум. Қулгина маҳаллалар, ташкилотлар сумалак пиширишди.

Биз ҳам сумалак қилайлик деган фикримни қўпчилик қўллаб-қувватлади. Лекин уни қандай қилиб тайёрлаймиз. Дарров Бобур маҳалла йи-

гини оқсоқоли олдиға чиқдим. Мақсадимни эшитган Собир ака бироқ таажжубланди, бу ишнинг эплатимига ҳатто ишонмади ҳам. Кейин «Сумалакни ҳамма ҳам пишира олмайд.

Мана маҳалламиздаги 5-6 хонадон бирлашиб, сумалак тайёрлашди, лекин у ўқшамади. Сиз эса сумалакни пиширишни қурмаган бўлсангиз», деди. Мен қарорим қатъийлигини билдирдим.

Маҳалладан қозон олдиқ ва бир кўпни қурган, кайовни онахондан бош-қош бўлишларини сўрадик. Онахон бугудойни ундириб бердилар. Орзиқиб кутилган вақт келди. Қозонга ёғ солдик. Егда қатламага ўқшаш пишириқ пишириб болаларга тарқатдик. Улар пишириқни уйлари-

Advertisement for 'Муштарий' (Customer) featuring a telephone icon and the slogan 'Муштарий — «Оқшом» — Муштарий'.

Шахримизда ташкил топаётган марказларнинг ҳар бирининг уз урни, уз нуфузи бор. Тугри, уларнинг бири спорт соҳасида иш юритса, яна бошқаси маданият, учинчиси эса тиббиёт борасида фаолият курсатади. Сергели туманида ташкил топган «Умид» тиббий тиклаш маркази тугма шол, полиомиелит касалликларига чалинганларни ва йиқилиб шикастланганларни даволашга ихтисослашгандир.

— 1993 йилнинг июнь ойидан марказимизда иш бошлаган эдик, — дейди марказ раҳбари Рашида Қурбонова. — Лекин шунга қарамай шахримиз ва республикамизнинг бошқа вилоятларидан, ҳатто Қирғи-

зистон ва Қозоғистон республикаларидан ҳам келиб шифо олиб кетишмоқда. Бу ернинг рўйхатиға ёзилиб ҳисобга турган бемор 8 мартаба даволаш курсини олади. Утган қисқа вақт

Раҳмдил ва муруватли бўлайлик «УМИД»ГА УМИД БИЛАН

мобайнида анчагина болалар шифо олишди. Малакали мутахассисларнинг кумаги билан гапиролмайдиганлар тилга кириб, юролмайдиганлар юриб кетдилар. Уз қаддини кутара олманган бола сал бўлса ҳам юриб,

қўллаб-қувватлашиб, имкониятларидан қараб ёрдамларини аямашди. Айниқса Ўзбекистон Ҳалқ демократик партияси туман кенгаши «Умид» марказимизни тулиқ уз оталиғига олган. Уларнинг ёрдами туфайли эски биномиз таъмирланди. Хайрия йули билан болаларга кийим-кечаклар олиб беришди. Кенгаш ҳисобидан 2 та музлатич болаларга тақдим этилди. Бундан ташқари ечимини кутаётган муаммоларимиз бўлса туман ҳокимлиги ҳамда бошқа ташкилотлар бефарқ қарашмайди. Туманимизда ногирон болаларга ва уларнинг шифо олишлари учун яратилаётган бундай қўлайликдан қўпчилик миннатдордир.

Гулнора МУРОДОВА.

Дил тубидан БАҲОР ТИПАГИ

Юрагимга мунис туйғулар, ёпиқ хотираларни муҳрлаб, гоҳи маънос, маҳзун утган кўнлар маскани — қалбимизда армонномли инжа тоғларини чертади Баҳор! У билан бирга қушилиб янги орзу-умидлар, эзгу тиллақлар гуллади.

Фақат инсонгагина хос бўлган ҳиссиёт, дунё гузалликларидан баҳраманд бўлиш, бу муқаддас заманда дуслик аталмиш дийдор борлиғига шукроналар келтирсан. Умрингнинг саҳифалари улар билан тулиқ, қалбнингнинг қайсиқидир кемтик сарҳадларига фақатгина улар кириб бора олишини зоҳиран ва ботинан туюсан. Кимларгадир таянч бўлиб, кимларгадир мадад олиб ҳаёт пиллаполаридан қадам ташлар экансан, ортингга қайрилсан: етолма-

Муқаддас ЮСУПОВА.

га олиб боришди. Ҳамма сумалак пишираётганлигимиздан хабар топиб, даврага шу тарихи қўшилди. Доира чалиб, узбекча лалару яллар ашитдик. Кечкурун болакайларни огоҳлантирдим. Эрталаб ҳамма қўшқ билан келсин.

Болакайлар айтган вақтимга этиб келди. Қозонни очдик. Маҳаллага уч челақ сумалак тарқатдим. Кексалар бу яқин орада бундай мазали сумалак емаганларини ва энди беш йил кетмакет сумалак пиширишнинг лозимлигини айтидилар. Энг асосийси сумалак қилишни урганбидик. Келаси йили, насиб қилса узим бугудой ундираман, мазаси оғизда қолдиган сумалак пишираман. Сизларни ҳам албатта сумалакка қаҳқираман...

Нина Петровна қўнлидаги иштиёқ, қизиқ, интилиш бизни тўлқинлаттирди. Қўнлимизда миллий қадрият, анъана, меросларимизга нисбатан гурур туйғуси жўш урди.

Мунира СОБИРОВА.

Advertisement for 'Мархабо' (Marhabo) featuring a woman in a white dress and the slogan 'Мархабо' хиссадорлик камитининг устаси Алижон Ҳожиметов йигирма йилдан бунун шу жамоада ишлайди. У кир ювчи машиналари, чанготчи ва бошқа электр жиҳозларини таъмирлаб, қўллаб миқжозларнинг таҳсинига сазовор бўлмоқда.

СУРАТДА: Алижон Ҳожиметов. Рустам Шарипов олган сурат

Нуктаи назар ДИДИМИЗГА МОС БЎЛСИН

Дейлик, бугун дам олиш кўни. Уйдаги ҳафта давомиди йиғилиб қолган юмушларни бажариб бўлдингиз. Бироқ бўлса-да хордиқ чиқармоқчи бўлиб уйнингизга яқинроқ кинотеатрга бордингиз. Сиз билан қара боғлашаманки, бугун (кеча, эртага, ҳар доим) у ерда эскирганроқ чет эл фильми ёки гарб жангари урушларининг бирортаси кетяпти. Энди энса қотиб, кайфият тушиб, тиниқ қуриб аста уйга қайтасиз ёки яна бешинчи (унинчи, қирқинчи) марта чет эл фильмининг томоша қилишга мажбур бўласиз.

Очига, қўллаб кинотеатрларимиздаги бундай репертурлар масаласида кимни айбланиш ҳам билмайди киши. Ижарада одамни самимий қулдириб-йиғлатадиган, руҳни тозаотириб, маънавий озиқ берадиган фильмлар йўқ ҳисоби (бу кинотеатрлар маъмуриларининг гапи, биз эса уларга ишонмай иложимиз йўқ). Киностудияларимиз эса е ҳаётни енгил-елли майнавочилиққа айлантдириб курсатадиган, ёки бешарфат жангарилару кийимсиз беҳаё сўқовчиларни турли ҳолатда намойиш этадиган «картина»ларни қўлилаб етишибди. Бундай фильмлар катталарда ҳазар, ёшларда эса бузуқ, ноҳуш фикрлар пайдо қилади, ҳолос.

Ҳозир эски, ярамас ақидалар синиб, янги покча мафқуралар эпкинчи юртимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сивсий ҳаётидаги илтидорлик келаватган бир даврда янги руҳдаги, инсоннинг юрак-юрагигагина синиб борадиган мазун, ҳодисотларни топиб лентага тушириш балки осонмасдир. Лекин қирқинчи-саксонинчи йиллар оралиғида узбек, собиқ иттифок, чет эл киностудияларида ишлаган, халқлар муҳаббатини қозониб жангарилару кийимсиз беҳаё сўқовчиларни турли ҳолатда намойиш этадиган «картина»ларни қўлилаб етишибди. Бундай фильмлар катталарда ҳазар, ёшларда эса бузуқ, ноҳуш фикрлар пайдо қилади, ҳолос.

Ҳозир эски, ярамас ақидалар синиб, янги покча мафқуралар эпкинчи юртимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сивсий ҳаётидаги илтидорлик келаватган бир даврда янги руҳдаги, инсоннинг юрак-юрагигагина синиб борадиган мазун, ҳодисотларни топиб лентага тушириш балки осонмасдир. Лекин қирқинчи-саксонинчи йиллар оралиғида узбек, собиқ иттифок, чет эл киностудияларида ишлаган, халқлар муҳаббатини қозониб жангарилару кийимсиз беҳаё сўқовчиларни турли ҳолатда намойиш этадиган «картина»ларни қўлилаб етишибди. Бундай фильмлар катталарда ҳазар, ёшларда эса бузуқ, ноҳуш фикрлар пайдо қилади, ҳолос.

Ҳозир эски, ярамас ақидалар синиб, янги покча мафқуралар эпкинчи юртимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сивсий ҳаётидаги илтидорлик келаватган бир даврда янги руҳдаги, инсоннинг юрак-юрагигагина синиб борадиган мазун, ҳодисотларни топиб лентага тушириш балки осонмасдир. Лекин қирқинчи-саксонинчи йиллар оралиғида узбек, собиқ иттифок, чет эл киностудияларида ишлаган, халқлар муҳаббатини қозониб жангарилару кийимсиз беҳаё сўқовчиларни турли ҳолатда намойиш этадиган «картина»ларни қўлилаб етишибди. Бундай фильмлар катталарда ҳазар, ёшларда эса бузуқ, ноҳуш фикрлар пайдо қилади, ҳолос.

Ҳозир эски, ярамас ақидалар синиб, янги покча мафқуралар эпкинчи юртимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сивсий ҳаётидаги илтидорлик келаватган бир даврда янги руҳдаги, инсоннинг юрак-юрагигагина синиб борадиган мазун, ҳодисотларни топиб лентага тушириш балки осонмасдир. Лекин қирқинчи-саксонинчи йиллар оралиғида узбек, собиқ иттифок, чет эл киностудияларида ишлаган, халқлар муҳаббатини қозониб жангарилару кийимсиз беҳаё сўқовчиларни турли ҳолатда намойиш этадиган «картина»ларни қўлилаб етишибди. Бундай фильмлар катталарда ҳазар, ёшларда эса бузуқ, ноҳуш фикрлар пайдо қилади, ҳолос.

Алишер САЪДУЛЛАЕВ, журналист.



